

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.YU.74.01
РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ХАЙРИЕВ НОДИРЖОН ИСРОИЛОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИНИ
ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси**

Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК 343.1:330.341.11(575.1)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertatation

Хайриев Нодиржон Исроилович

Жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш.....5

Хайриев Нодиржон Исроилович

Интенсификация уголовного судопроизводства.....50

Khayriev Nodirjon Isroilovich

Intensification of criminal proceedings.....103

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....108

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.YU.74.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ХАЙРИЕВ НОДИРЖОН ИСРОИЛОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИНИ
ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси**

Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/Үу21 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Пулатов Юрий Сайфиевич
юримдик фанлар доктори, профессор

Мухитдинов Фахриддин Мухиддинович
юримдик фанлар доктори, доцент

Астанов Истам Рустамович
юримдик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат
Университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Үу.74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
юримдик фанлар доктори, профессор

М.М.Нурматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, юримдик фанлар номзоди, доцент

М.Б.Усмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, юримдик фанлар
доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш, тергов ҳаракатларини ўтказишнинг тезкорлигини таъминлаш, жиноят ишини оқилона муддатларда кўриб чиқиш механизмларини жорий этиш тенденцияси кучайиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, жиноят иши юритувига энг замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш, жиноят ишини судда кўриб чиқиш муддатини ўртача 1,5–2 бараваргача қисқартириш имконини беради. Жиноят иши юритуви тартибининг таҳлили мазкур соҳани жадаллаштириш, шу жумладан, юқори технологияларни (hi-tech) кенг жорий этиш, соддалаштирилган тизим ва механизмларни кенгроқ қўллашни талаб этади.

Жаҳонда жиноят иш юритувининг соддалашган тартибларини жорий этиш, жиноят ишлари юритувини дифференциациялаш орқали оптималлаштириш, жиноят ишларини юритишнинг оқилона муддатларини белгилаш, жиноят-судлов ишлари юритувига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга бўлган зарурат бу борада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Жиноят ишлари юритувини жадаллаштиришнинг процессуал асосларини белгилаш, жиноят содир этганликда айбланиб жиноят процессига жалб қилинган шахснинг тақдирини жадалликда амалга ошириладиган ихчам, соддалашган ва айбни исбот қилиш нуқтаи назаридан самарали бўлган судлов юритувини шакллантириш, жиноят ишларини юритишнинг тезкорлиги ва оқилона муддатларда амалга оширилишини таъминлаш, бу борада миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли қафолатлаш, жиноятларни тез ва сифатли тергов қилиш, барча айбдор шахсларни фош этиш ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини таъминлаш; одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш; судда ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш; электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш¹ бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса, жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш, жиноят процессига замонавий ахборот-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

коммуникация технологияларини жорий этиш орқали айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ҳамда жиноят ишларини оқилона муддатларда кўриб чиқиш ва ҳал этишни ўзида акс эттирган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, ривожланган мамлакатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилишни тақозо этади. Айниқса, судга қадар ва суд босқичида жиноят ишларини юритишнинг дифференциацияланган тизимини жорий этиш орқали жиноят ишлари юритуви муддатларини қисқартириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли, “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сонли, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли фармонлари, “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий тақомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Жиноят-процессуал муносабатларни жадаллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан Harvard University, Indiana University, University of Denver, University of Massachusetts Boston, University of Pittsburgh, University of Cincinnati, University of Maryland, New York University Law Center, National Institute of Justice, Center for Court Innovation, National Center for State Courts (АҚШ), University of Derby, Midlands Centre for Criminology and Criminal Justice (Буюк

¹ Диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида ёритилган: www.jstor.org; www.apa.org; warwick.ac.uk/fac/soc/law/research/centres/cjc; www.bournemouth.ac.uk; www.tru.ca; www.ucl.ac.uk; www.rwu.edu; www.utas.edu.au; en.nagoya-u.ac.jp; www.u-tokyo.ac.jp/en; www.utoronto.ca; www.yale.edu; www.harvard.edu; www.cam.ac.uk; www.ox.ac.uk; <https://elt.oup.com>; www.psychiatry.org; spbu.ru; www.msu.ru; www.unr.edu; www.aafs.org; www.ams.org; www.allacademic.com; www.northwestern.edu.

Британия), Johann Wolfgang Goethe University (Германия), Australian Institute of Criminology (Австралия) ва The European Institute for Crime Prevention and Control (Финляндия) олиб борилмоқда.

Жаҳонда жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш жараёнида электрон маълумот алмашиш тизимининг самарадорлиги асослантирилган (Harvard University, Indiana University, University of Massachusetts Boston, АҚШ); жиноят ишларини дифференциациялаш орқали оптималлаштириш зарурлиги исботланган (University of Derby, Midlands Centre for Criminology and Criminal Justice, Буюк Британия); замонавий ахборот коммуникацион технологияларни кенг қўллаш орқали жиноят процессуал муносабатлар самарадорлиги асослантирилган (Johann Wolfgang Goethe University, Германия); жиноят ишини жадаллаштиришнинг муҳим шакли сифатида келишув сулҳининг таъсирчан механизми таклиф қилинган (Australian Institute of Criminology, Австралия); хусусий айблов институтининг қўлланилиши афзалликлари асослантирилган (The European Institute for Crime Prevention and Control, Финляндия).

Дунёда жиноят суд иш юритувини жадаллаштириш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишга қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: жиноят-процессуал муносабатларда шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг самарадорлигини тезкор ва муқобил судлов юритуви тартибини жорий этиш орқали ошириш; жиноят-судлов ишларини юритиш жараёнини жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий, процессуал-ҳуқуқий белгиларига кўра дифференциациялаш; мураккаб жиноят-процессуал шаклларни оптималлаштириш (такрорланувчи процессуал ҳаракатлар ва босқичларни уйғунлаштириш) орқали соддалаштириш; жиноят-судлов ишларини юритишда суднинг тезкор процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини кучайтириш; жиноят ишлари юритувчи субъектларнинг ўз процессуал ваколатларини амалга оширишда маънавий ахлоқий меъёрларга амал қилишни кучайтириш; жиноят ишлари юритишда ахборот технологиялари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш; жиноят ишларини юритишнинг халқаро стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасига оид адабиётларда жиноят-судлов ишларини юритиш жараёнининг жадаллиги билан боғлиқ муаммоларга етарли эътибор қаратилган эмас. Мавзуга тааллуқли масалаларнинг айрим жиҳатлари турли даврларда ўзбекистонлик олимлардан Ғ.А. Абдумажидов, З.Ф. Иноғомжонова, Б.Х. Пўлатов, Ю.С. Пулатов, Д.М. Миразов, Ф.М. Мухитдинов, Г.З. Тўлаганова, У.А. Тўхташева, И.Р. Астанов, С.М. Рахмонова, Ш.Ф. Файзиев, Б.Б. Ҳидоятлова бошқа олимларнинг асарларида кўриб чиқилган. Шулардан Б.Х. Пўлатовнинг асарларида давлат айблови фаолиятини амалга оширишда, З.Ф. Иноғомжонованинг илмий тадқиқотларида эса суд назоратини

амалга оширишда вужудга келадиган процессуал муносабатларни тезлаштириш, Г.З.Тўлаганованинг тадқиқотлари асосан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш жадаллиги, Д.М.Миразовнинг илмий ишларида дастлабки тергов органлари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг процессуал жиҳатлари, Ф.М.Мухитдинов эса жиноят-процессуал муносабатлар жадаллиги муаммоларини жиноят процессини дифференциациялаш воситаси ҳал қилиш, Б.Б.Ҳидоятлов ва Ш.Ф.Файзиевлар асарларида асосан дастлабки тергов жараёнидаги суриштирув шаклининг жадаллиги, У.А.Тўхташева эса апелляция институтида муддатларни тезкорлиги масалалари, И.Р.Астанов махсус билимлардан фойдаланиш жараёнларида, С.М.Рахмоноваиш судга тайинлаш ва тайёрлаш жараёнларида процессуал муносабатларни тезлаштириш масалалари ёритилган.

МДХ давлатларида жиноят-процессуал муносабатларнинг тезкорлигини таъминлашнинг айрим масалалари А.С.Александров, С.А.Грачев, Е.А.Игнатенко, В.М.Мешков, В.Т.Томин, А.Г.Федощев, С.Д. Шестакова, Ю.К.Якимович тадқиқотларида ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш механизмига оид масалалари Stephen Treshal, Sarah Joseph, Jenny Schulz, Melissa Castan, William W., Largar J., Maria Eder-Reader¹ томонидан тадқиқ этилган.

Қайд этилган муаллифлар олиб борган тадқиқот ишларида эришилган илмий-назарий натижаларга юқори даражада ҳурмат билдирган ҳолда, шуни эътироф этиш жоизки, мазкур тадқиқотлар фақат айрим процессуал-ҳуқуқий соҳаларга тегишли муаммоларни таҳлил қилишга бағишланган ёхуд уларда жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларни жадаллаштиришнинг анча тор, хусусий масалаларига тааллуқли муаммолар кўриб чиқилган.

Шу билан бирга, қайд этилган тадқиқотларда жиноят-процессуал муносабатлар жараёнининг жадаллиги масаласи комплекс, яъни унинг тушунчасини аниқлаш, жадал процессуал муносабатларнинг мазмун ва моҳиятини очиқ бериш ҳамда жиноят процессининг структуравий хусусиятлари асосида таҳлил этилган эмас. Мазкур таҳлилий ишлар мавзуга оид бошқа илмий жиҳатларнинг йўналишлари билан уйғун ҳолда, тадқиқотнинг предметини ташкил қилади ва аввал зикр этиб ўтилган изланишлардан фарқловчи жиҳатларни акс эттиради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлари асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш йўллари” (2016-2018) илмий изланишлари доирасида амалга оширилган.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят ишлари юритувини жадаллаштиришга ва суд-тергов фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят ишларни юритиш жадаллигининг мазмуни умумтарихий ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлатчилигининг ривожланиши билан боғлиқ турли даврлар асосида қиёсий-ҳуқуқий усулда таҳлил қилиш;

жиноят-процессуал муносабатларни тезкорлигини тартибга солувчи назарий концептуал ишланмалар тизимга солиш;

“жадаллик”, “интенсивлик” ва “тезкорлик” тушунчаларининг ўзаро уйғунлик мазмуни ҳамда уларнинг жиноят-судлов ишларини юритиш жадаллигини таъминлаш хусусиятларини аниқлаш;

жиноят-судлов юритуви муносабатларини тартибга солишнинг замонавий ёндошуви пойдеворида янги соддалаштирилган ва унинг тезкорлигини таъмин этувчи процессуал шаклларнинг ролини аниқлаштириш;

жиноят-судлов муносабатларини жадаллаштиришни тартибга солувчи хориж мамлакатларининг қонунчилик тажрибасини таҳлил қилиш асосида улардаги ижобий процессуал қоидаларни мамлакатимиз қонунчилигида ҳамда суд-тергов амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаш;

суд-ҳуқуқ ислохотларининг жиноят процессини янада инсонпарварлаштириш босқичида ундаги ҳуқуқий муносабатларни тезкорлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш;

жиноят процессидаги босқичлар, алоҳида тартибда ишларни юритиш ҳамда бошқа институциявий шаклларнинг процессуал муносабатларни жадаллигини таъминлашдаги ўзига хос мақомини аниқлаштириш;

тадқиқот мавзусига оид мунозарали масалаларнинг ечими бўйича назарий, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш йўналишларини назарда тутувчи муаллифлик ёндошувларини тақдим этиш;

жиноят-судлов ишларини юритиш жадаллигини янада самарали таъмин этувчи ҳуқуқий, методологик, ташкилий чораларни аниқлаш ишларини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб жиноят ишларини юритиш ва уни жадаллаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жиноятишлари юритувини жадаллаштириш самарадорлигини оширишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашларданиборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, кузатиш, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция, дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

далилларнинг мақбул эмас деб топиш асос ва шартларининг умумий ва хусусий жиҳатлари, далилларни мақбул эмас деб топиш масаласини ҳал қилишнинг тартиб ва тамойиллари, уларнинг процессуал оқибатлари асослантирилган;

ички ишлар органлари фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳамда жиноятларнинг хусусиятидан (жиноят-ҳуқуқий, процессуал-ҳуқуқий) келиб чиқиб юритилаётган ишларни мақсадга мувофиқ муддатларда яқунлаш зарурлиги асослаб берилган;

қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш муддатларининг мақсадга мувофиқ тарзда тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ ҳамда жиноят ишига жалб қилинган субъектларнинг юксак ҳуқуқий онгларига таянувчи механизмларни ишга солиш зарурлигитаклиф этилган;

қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси муддатларини такомиллаштиришнинг асос (айбланувчининг тезкор судга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш) ва шартлари (ушбу процессуал-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг процессуал ваколатларини кенгайтириш ва мажбуриятларини оширишни назарда тутувчи қоидалар), уларнинг жиноят ишларини юритиш тезкорлигига таъсир этишнинг ташқи (муддатларни қўллашнинг процессуал механизм) ва ички, яъни ҳуқуқни қўлловчи шахсларнинг ички ишончини шаклланишига таъсир этувчи омиллари асослантирилган;

шахсни ушлаб туриш муддатларини оптималлаштириш зарурияти, унга бўлган процессуал эҳтиёжнинг қўлами ва йўналишлари, жиноят-процессуал муносабатларни тезлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти асослаб берилган;

жиноят процессини жадаллаштиришнинг муҳим муаммосини дастлабки тергов муддатларини оптималлаштириш тартиби таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

жиноят-судлов ишларини юритиш тартибини жадаллаштириш, унинг муносабатларига жалб этилган шахснинг тезкорликда тақдирини ҳал қилишга бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолатини кучайтиришни ҳамда жамиятнинг тезкор одил судловга оид манфаатларини қўриқлаш масалалари асослантирилган;

ижтимоий хавфи юқори бўлмаган жиноят ишларини юритишда жиноят-процессуал муносабатларнинг мақсадга мувофиқлик асосда вужудга келиши, ривожланиши ва яқунланишини таъмин этувчи процессуал механизм модели ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларига берилган тавсиялар жиноят судлари фаолиятида Жиноят-процессуал кодексининг ишни судга қадар юритиш ҳамда биринчи инстанция судида ишларни юритиш

муддатларини тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш масалалари асосланган;

дастлабки тергов муддатларининг ва айбланувчига нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чораси – қамокда сақлаш муддатларининг жадаллиги ва мақсадга мувофиқ вақт ҳажмида амалга ошириш ва ниҳоят, жиноят процессининг турли босқичларида жиноят-процессуал муносабатларни тезлаштирувчи ҳуқуқий омилларни ишга солиш имкониятлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижасини акс эттирувчи хулосалар жиноят-судлов ишларини юритиш соҳасида ишлаб чиқилган, процессуалист олимлар томонидан эътироф этилган ва монографик тарзда эълон қилинган назарий ишланмаларнинг ҳамда амалиётдаги мавзунинг предметига оид статистик маълумотлар таҳлилига, шунингдек муаллиф томонидан илгари сурилган мавзуга тааллуқли масалаларнинг асослилигини аниқлаш борасида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасини умумлаштиришларига таянади. Тадқиқот ишида фойдаланилган статистик маълумотлар ва ўтказилган анкета-сўровлари тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиб расмийлаштирилган.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан мавзу предметига тегишли қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида шакллантирилган таклиф ва тавсиялар халқаро ҳуқуқ нормаларида тезкор одил судловни амалга оширишни назарда тутувчи стандартларнинг мазмун ва моҳиятига ҳамда хориж қонунчилигидаги тезкор жиноят процессини ташкил қилишнинг устувор принципларига ҳамда ушбу мавзуга оид бошқа изланувчиларнинг тадқиқотларидаги умумилмий-методологик асосларга монанд келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг **илмий аҳамияти** шундаки, муаллиф томонидан жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги муносабатларни жадаллаштиришнинг тушунчаси, унинг структуравий хусусиятларини англаш борасида ишлаб чиқилган назарий хулоса ва қоидалар, шунингдек жиноят-судлов ишларини юритиш тартиби жадаллашувининг келгусидаги ривожланиш йўналишлари борасидаги асослар ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитишга ва янги илмий тадқиқотлар олиб боришга имкон яратади.

Тадқиқотчининг жиноят-судлов ишларини юритиш соҳасида мақсадга мувофиқлик принципини назарда тутиш масаласида ишлаб чиққан хулосалари, шунингдек жиноят процессининг жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги прокурорга тегишли ваколатларда диспозитивликни кенгайтиришга оид қоидалари жиноят процессида жадал процессуал тартибларнинг ривожланиши учун катта илмий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг **амалий аҳамияти** эса, мавзунинг тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоидалар, хулосалар ва тавсиялардан Жиноят-процессуал кодексини, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги қонунларни, Олий суд Пленуми қарорларини ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқларини ҳамда суд-тергов амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш

имкониятларини яратиши билан белгиланди. Шу билан бирга, тадқиқотнинг натижалари жиноят процесси шаклини дифференциациялаштириш ҳамда унинг айрим институтларини тартибга солишни оптимизациялаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари диссертация ишининг натижалари ҳуқуқни қўллаш ва илмий тадқиқот фаолиятларида, “Далиллар назарияси”, “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”, “Дастлабки тергов фаолияти”, “Суриштирув фаолияти”, “Прокурорлик назорати”, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” каби фанлар бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда, ўқув ва методик қўлланмалар, дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят ишлари юритувини жадаллаштиришга оид миллий қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши, оқлов ҳукмига оқланганнинг айбдор эмаслигига шубҳа туғдирувчи ибораларнинг киритилишига йўл қўйилмаслигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 6-банди учинчи хатбошиси ва 8-банди учинчи хатбошисига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 14 июндаги №04/ПЛ-25-16-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши далиллардан фойдаланиш жараёнларини тартибга солинишига ҳисса қўшган;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сонли “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига ҳамда ички ишлар органлари мажбуриятлари сифатида жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги электрон шаклдаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилиши ҳамда рўйхатга олиши, мурожаат этувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кейинчалик хабар берган ҳолда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўришни мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклиф Қонуннинг 16-моддаси биринчи қисми учинчи хатбошисини тўлдиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 19 октябрдаги №04/25-16-сонли хати). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши иштирокчиларнинг тезкор жиноят иш юритувида бўлган ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган;

далилларнинг мақбул эмаслиги фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан олинганлигини ифодалашига оид таклифи ЖПКнинг 95¹-моддасини шакллантиришда

фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 24 май 2018 йилдаги 06/1-05/316 вх-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги жиноят-процесси иштирокчиларининг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ноҳақ айбловдан ҳимоя қилишга хизмат қилган;

ушлаб туриш муддатини қисқартириш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби, қамоқда ва уй қамоғида сақлаб туриш муддатини такомиллаштиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 226, 243, 245-моддаларига қўшимча ва ўзгартириш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 24 май 2018 йилдаги 06/1-05/316 вх-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши фуқароларни ушлаб туриш ва қамоққа олиш, уй қамоғини қўллаш муддатларини инсонпарварлаштиришга хизмат қилган;

дастлабки тергов муддатларига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 351-моддасини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 24 май 2018 йилдаги 06/1-05/316 вх-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши шахс ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та (4 та халқаро, 3 та республика) илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27та илмий иш нашр этирилган, жумладан, миллий журналларда 12 та, халқаро журналларда 6 та, илмий анжуманларда 7 та, шунингдек, 2 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи боби “**Жиноят-процессуал муносабатларни жадаллаштириш: моҳияти ва назарий хусусиятлари**” деб номланиб, унда жиноят-судловда ишларни юритиш тезкорлиги тушунчаси, унинг замонавий процессуал-ҳуқуқ назарияси тизимида тутган ўрни ва мазкур масалаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти, шунингдек жиноят процессининг тезкорлигини таъминлаш принциплари ва асослари кўриб чиқилган. Мазкур боб икки параграфдан иборат бўлиб, “**Жиноят ишлари бўйича иш юритувини жадаллаштириш тушунчаси, мазмуни ва аҳамияти**” деб номланган биринчи параграфда процессуал масалаларни судлов тартибида юритиш оммавий – жамиятнинг манфаатларини кўриқлаш, хусусий – шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, айблов ва ҳимоя тарафларнинг манфаатлар тўқнашувида ҳақиқатни аниқлаш ва адолатли қарор қабул қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий воситасининг хусусиятлари кўриб чиқилган. Диссертацияда жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг қисқа муддатларда судга берилиши ҳамда унинг иши тезликда ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун самарали процессуал суд иш юритувида ҳал этилиши талаби қатор халқаро ҳуқуқ нормаларининг базавий принципи¹ сифатида эътироф этилган. Мазкур нормаларнинг ғоявий негизи – айбланувчи мақомида бўлишнинг муддатлари учун азоб ва укубат келтирувчи процессуал тартибларини имкон қадар қисқартириш ва унинг тақдирини тезкорликда ҳамда адолатли ҳал қилишга қаратилган жиноят процессуал шаклни ташкил қилишни назарда тутди.

Муаллиф ишда назарияда процессуал-ҳуқуқий муносабатларни жадаллаштириш муаммоларини таҳлил этган олимларнинг фикрлари билан баҳсга киришган, ЖПК нормаларини танқидий таҳлил қилган тарзда, жиноят процессининг жадаллиги тушунчасини шакллантиришга ҳаракат қилган: “**Жиноят процессида жадаллаштириш – бу суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг дастлабки тергов фаолиятини малакали амалга оширган ҳолда, айбланувчининг ишини тезлик билан судга тақдим этиш, суд муҳокамасида суд томонидан тарафлар иштирокида қисқа муддатларда ишнинг ҳолатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона аниқлаш, текшириш ва баҳолаш натижасида судланувчига адолатли жазо белгилаш ва шу орқали жиноят-судлов юритувининг тезкорлигини таъминловчи нормалар йиғиндисидир**”.

Шу тушунчалар асосида муаллиф жиноят процессининг жадаллаштириш билан боғлиқ уч муҳим йўналишини белгилаш зарурлигини кўрсатади. *Биринчи йўналиш*, жиноят процесси тизимини ўзгартиришни, *иккинчиси*, жиноят процессидаги айрим институт ва тартибларни ислоҳ этишни; *учинчиси*, жиноят процессида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш масалаларини назарда тутиши лозим. Тадқиқотда учала йўналишни ташкил қилувчи элементларнинг ўрни ва функциявий аҳамиятлари очиқ берилган.

Ушбу бобнинг “**Жиноят-процессуал муносабатлар тизими ва жадаллаштириш принципи асослари**” деб номланган иккинчи параграфда

¹Масалан: 1948 йилдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» (10-мод.); 16 декабрь 1966 йилдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт» (9-мод.).

жиноят процесси тизимининг элементларини ташкил қилувчи институтларни процессуал-ҳуқуқий муносабатларни жадаллаштиришдаги имкониятлари, унинг омиллари, асос ва шартлари каби масалалар кўриб чиқилган.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ваколатлари доираси, жиноят процессига жалб қилинган шахсларнинг муайян ҳаракатда иштирокининг доираси ва ҳаракатни бажариш мажбуриятининг даражаси, уларни амалга ошириш учун белгиланган муддатлар билан ўзаро боғлиқ эканлиги ҳақидаги қарашларга асосланиб, тадқиқот ишида жиноят процессида юритиладиган ҳаракатлар тизими ҳамда уларни муайян вақт бирлигида амалга ошириш тартиби жиноят процессининг мақсад ва вазифаларига, процессуал қафолатлар механизмининг шаклланиш хусусиятларига ва бошқа ҳолатларга боғлиқ эканлиги ҳақидаги қарашлар илгари сурилган.

Назарияда жиноят процессининг принципларига оид кўплаб қарашларни таҳлил қилган ҳолда, муаллиф жиноят процессини жамият эҳтиёжларига ва манфаатларига мос принциплар, хусусан “Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлар” принципи билан тўлдириш зарурлигини асослайди. “Мақсадга мувофиқлик” принципини анча илгари қонунчиликда тартибга солган ривожланган ғарб давлатлари жиноят процесси моделларини ҳамда уни яқинда амалиётга жорий этган Россия, Украина, Грузия, Молдова ва бошқа мамлакатларнинг қонунларини таҳлил қилган ҳолда, диссертант унинг жиноят-процессуал муносабатларни такомиллаштириш учун муҳим бўлган мезонларни ишлаб чиқади. Муаллифнинг фикрича, “мақсадга мувофиқлик” принципи – 1) адолатли жиноят процесси тушунчаси билан боғлиқ; 2) жиноят-судлов юритувига жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқларини таъмин этиш қафолатидир; 3) негаки жиноят ишларини юритиш жараёни фақат қонунда белгиланган муддатларда амалга оширилиши мумкин; 4) одил судловнинг самарали фаолият юритиши учун хизмат қилади; 5) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ўз фаолиятларига виждонан ёндошишлари билан таъминланади. Ишда ҳар бир мезонни ташкил қилувчи асосларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган ҳамда “мақсадга мувофиқлик” принципини жиноят-процессуал қонунчилигига жорий этишнинг муҳим йўналишлари тавсия этилган. Жумладан, ЖПКга янги 22¹ ва 351¹-моддаларини таҳрири шакллантирилган ва жорий этиш таклиф этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Судга қадар иш юритувини жадаллаштириш масалалари” деб номланади ва у уч параграфдан иборат. “*Жиноят ишини қўзғатиш босқичи жадаллигининг ўзига хос жиҳатлари*” деб номланувчи биринчи параграфда жиноят-судлов юритувининг энг дастлабки босқичи – жиноят ишини қўзғатишнинг процессуал-ҳуқуқий мақомига оид назарий қарашлар асосида жиноят ишини қўзғатиш босқичида амалга ошириладиган процессуал муносабатларни жадаллаштириш масаласи: а) жиноят ишини қўзғатиш муносабатларини вужудга келтирувчи сабаблар, б) уларнинг процессуал муддатлар билан боғлиқ жиҳатлари асосида кўриб чиқилган. Ишда ЖПК 329-моддасида белгиланган муддатлар – *дарҳол; ўн*

суткадан кечиктирмасдан жиноят ишини кўзғатиш масаласида жиноятнинг ижтимоий хавфи каби мезон муҳим ўрин тутиши эътироф этилади. Муаллифнинг фикрича, бунинг сабаби икки жиҳатга асосланади: 1) оғир ва ўта оғир жиноятнинг содир этилганлиги ҳолатининг тезда маълум бўлиши ёки маълум бўлиши биланок, тезкор-тергов ҳаракатларини зудлик билан, кечиктириб бўлмайдиган тергов-тезкор ҳаракатларни амалга ошириш заруриятининг мавжудлиги; 2) ижтимоий хавфи кам жиноятларда унинг ҳолатларини “тасдиқловчи” маълумотларни бир неча вақт мобайнида тўплаш ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ.

Диссертацияда Ғарб мамлакатларининг, хусусан, ГФР, Франция ва МДХга аъзо мамлакатларнинг қонунчилик амалиётига ҳамда назарий қарашлари таҳлиliga асосланиб, жиноят ишини кўзғатиш босқичида жадаллаштириш масаласи шахснинг ушлаб турилганлиги туфайли долзарблик касб этиши ҳақида хулосага келинади.

Муаллиф одил судлов стандартларини белгиловчи Халқаро ҳуқуқ нормаларида эътироф этилган меъёрлардан келиб чиқиб, Ғ.А.Абдумажидов, А.В.Павлов, С.Б. Россинский, Г.З. Тўлаганова ва бошқа олимларининг ушлаб туриш мажбурлов чорасининг тушунчаси, процессуал мақоми ва унинг муддатларига оид қарашларни таҳлил қилган, шунингдек АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, ГФР, Дания, Португалия ва бошқа давлатларнинг ҳамда МДХга аъзо мамлакатларнинг қонунчилик амалиётини ўрганган ҳолда, тадқиқот ишида жиноят ишини кўзғатиш босқичининг жадаллигини таъминлаш муаммолари бевосита шахсга нисбатан ушлаб туриш мажбурлов чорасини қўллаш механизмининг унинг муддатларини мақсадга мувофиқ ҳолга келтириш асносида такомиллаштириш муҳимлиги асосланади.

Мазкур параграфда таҳлил қилинган муаммолар негизида жиноят ишини кўзғатиш босқичидаги жадалликни таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 226-моддаси биринчи қисмига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар шакллантирилган (*Мазкур таклифлар қонунчиликда ўз аксини топган*).

Қайд этилган бобнинг **“Жиноят-судлов ишларини дастлабки терговда юритиш жадаллигининг устувор масалалари”** деб номланувчи иккинчи параграфда дастлабки тергов босқичида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, доираси, иштирокчилар амалга оширадиган фаолиятнинг мақсад ва вазифалари, тергов ҳаракатларини жадаллаштиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилади.

Диссертацияда таъкидланганидек, дастлабки босқичида айблов хулосасини тузиш учун асос бўладиган далиллар аниқланади, текширилади ва баҳоланади. Муаллифнинг фикрича, исбот қилиш – дастлабки тергов босқичининг асосий мақсади, ушбу фаолиятда фойдаланиладиган усул ва воситалар эса, унга эриштирувчи процессуал-ҳуқуқий омиллардир. Ушбу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишда танлаган процессуал усул ва воситалардан қай тарзда фойдаланишлари, ушбу босқичнинг жадаллигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллаши мумкин.

Шу асосда тадқиқотда дастлабки тергов босқичининг жадаллиги: (а) жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан зудлик билан жиноят ишини қўзғатиш ва зарур бўлган тезкор тергов ҳаракатларини амалга оширган ҳолда, (б) айбдорларнинг айбини фош этиш мақсадида жиноят ишининг барча ҳолатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона аниқлаш, текшириш ва баҳолаш воситасида иш бўйича объектив ҳақиқатни ўрнатиш, шундан сўнг (в) айбдор шахсларни айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилиш масалалари билан алоқага эгаллиги ҳақидаги хулосага келинади.

Шу ўринда дастлабки тергов муддатлари судга қадар босқичида ишларни юритишнинг муҳим шартини ҳисобланади. Негаки дастлабки тергов муддатлари: а) тергов жараёнини назорат қилиш; б) судга бўлган ҳуқуқни амалга ошириш борасидаги халқаро-ҳуқуқий принцип (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 14-моддаси, 3-қисми, “с” банди); в) жиноят ва жазо ўртасидаги вақтни қисқартириш орқали самарали жазолаш талабларини бажариш шартини; г) кўпгина процессуал мажбурлов чораларини қўллаш муддатларини таъминлайди.

Диссертацияда дастлабки терговга тааллуқли асосий ва қўшимча муддатларнинг ЖПК 351-моддасида белгиланган асос ва шартлари, мазмун ва моҳияти таҳлил қилиниб, уларнинг процессуал-ҳуқуқий жиҳатлари МДХга аъзо мамлакатлар ва бошқа ривожланган давлатлар: ГФР, Франция, Испания қонунчилигида ўрнатилган норматив қоидаларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва улар билан қиёсланган ҳолда, мамлакатимиз жиноят процессининг ушбу институтини такомиллаштириш зарурлиги эътироф этилган. Дастлабки тергов муддатларининг баъзи жиҳатларини таҳлил қилган олимлардан Ф.М.Мухитдиновнинг, И.Г.Смирновнинг, У.А. Тўхташевнинг қарашлари билан баҳсга киришиб, муаллиф дастлабки тергов муддатларини халқаро ҳуқуқ нормалари қоидаларида кўрсатилган жиноят-процессуал муносабатлар жадаллигига мослаштириш зарурлиги тўғрисидагинуқтаи назар асосланган. Ушбу процессуал-ҳуқуқий ғоя асосида ЖПКнинг 351-моддасини такомиллаштириш зарурияти муаллиф томонидан асосланган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи *“Дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш ёки уй қамогитарзидаги эҳтиёт чорасининг муддатларини жадаллаштириш”* деб номланади. *Қамоққа олиш ёки уй қамоғи* эҳтиёт чоралар тизимида марказий ўринни эгаллаб, у иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўрсатиладиган қаршиликка чек қўйишни ва шахснинг яширинишига йўл қўймаслик баробарида жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Тадқиқотчи қамоққа олиш эҳтиёт чораси тушунчасининг икки умумий жиҳатига эътибор қаратади. *Биринчиси*, ушбу чора оммавий тушунчада – жамият аъзоларини жиноий тажовузлардан қўриқловчи муҳим процессуал-ҳуқуқий кафолат. *Иккинчидан*, субъектив ҳуқуқ нуқтаи назаридан, у – мажбурлов чоранинг ушбу тури қўлланган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи процессуал воситаларни ишга солиш

мажбуриятидир. Бундай процессуал воситалар: а) қўллаш тартиби ва муддатлари; б) муддатларни узайтириш асос ва шартлари; в) ваколатли шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмининг белгиланганлигида акс эттирилган.

Тадқиқот давомида ўрганилган статистик маълумотлар жинойт ишларини тергов қилиш жараёнида мазкур эҳтиёт чораларига эҳтиёжнинг камайиб бораётганлигини кўрсатса-да, лекин уларнинг умумий сони сўнгги йилларда тергов қилинган жами ишларнинг деярли ҳар ўнинчисини ташкил қилиши аниқланган. Эмпирик маълумотлар асосида муаллиф қамоққа олиш ёки уй қамоғитарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнини жадаллаштирувчи омилларни ишга солиш зарур деб ҳисоблайди. Диссертант ушбу омиллар қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни икки жиҳатга ажратади. *Биринчиси*, қатъий муддатли; *иккинчиси*, умумий тартибда вужудга келувчи ва ҳал қилинувчи.

Таҳлиллар асосида тадқиқотда қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш муддатлари – қисқа ва тезкор бўлиш билан бирга, гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан шундай эҳтиёт чораси турини қўллаш учун судьяга етарли асосларни тақдим этиш имконини берувчи вақтни ҳамда ЖПК 243-моддасининг тўртинчи ва олтинчи қисмларига қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ва ҳужжатлар ушлаб туриш муддати тугашидан камида *саккиз соат* олдин судга тақдим қилиниши кераклиги ҳақидаги ўзгартириш ва қўшимчалар асосли эканлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилган (*мазкур фикрлар асосида ЖПКнинг 243-моддасига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган*).

Тадқиқотнинг учинчи боби “**Биринчи инстанция судида иш юритишни жадаллаштириш масалалари**” деб номланиб, у беш параграфдан иборат. Бобнинг биринчи параграфи “*Жинойт ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичини жадаллаштириш*” деб номланган. Диссертант ишни судда кўриш учун тайинлаш тушунчаси ва ушбу босқичнинг мақсад ва бажарадиган вазифалари борасидаги назарий қарашларни тўлдирган ҳолда, унинг таърифини шакллантирган. Муаллифнинг фикрича, ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичи, *бир томондан* назорат (текширув) функциясини, *иккинчи томондан* эса тайёргарлик функциясини, *учинчи томондан* (қонунга диссертация таклифлари асосида тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг), тарафларнинг илтимоси ёхуд айбланувчининг аризасига мувофиқ, ишни дастлабки эшитиш ёхуд соддалашган тартибда кўриб чиқиш масаласини ҳал қилиш орқали, жинойт процессида жадаллаштириш вазифасини бажаради.

Қонунда ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичида қабул қилинадиган қарорлар учун иш судга келиб тушган кундан бошлаб *етти суткада* ҳал қилиш ҳамда бу муддатни қўшимча *уч суткага* узайтириш асослари етарли ишлаб чиқилмаганлиги эътироф этилиб, тадқиқотда қайд этилган муддатни узайтиришнинг чегаралари белгилаб қўйилиши лозимлиги ҳақида фикр билдирилган. Чунки бу, *биринчидан*, муддатни асоссиз узайтиришнинг олдини олади ва ишни юритиш жадаллиги кафолатларини кучайтиради; *иккинчидан*,

жиноят-судлов юритувида иштирок этаётган манфаатдор шахсларга суд томонидан муддатни узайтириш борасида амалга оширган ҳаракатларнинг қонунийлиги ҳақида маълумот беради.

Тадқиқотчи ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичига жиноят ишини дастлабки эшитиш тартибини жорий этиш орқали такомиллаштириш борасида илгари сурилаётган фикрларни (Б.Х.Пўлатов, С.М.Рахманова) қувватлаган ҳолда, шундай тартиб мамлакатимиз жиноят процессидаги муносабатларни жадаллаштириш учун зарур деб ҳисоблайди. Мазкур институтнинг МДХга аъзо мамлакатларнинг қонунчилигида белгиланган норматив хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни мамлакатимиз соҳа қонунига имплементация қилиш асослари тавсия этилган.

Диссертацияда таъкидланганидек, ишни судда муҳокама қилиш босқичини такомиллаштиришнинг институциявий жиҳатлари ушбу босқичдаги муддатларни назарда тутиб (бу муддатлар – *уч, беш, етти* ваўн *тўрт* суткани ташкил қилиши лозим), уларни белгилашда қуйидаги уч принципга таяниш муҳим: *биринчиси*, муддатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилига монанд равишда дифференциациялаш; *иккинчиси*, муддатларни тезлаштиришда ишнинг натижасига манфаатдор шахслар томонидан таъсир этиш имкониятларини яратиш; *учинчиси*, ишни юритиш муносабатларининг ривожланишида судьянинг марказий мақомга эгалигини эътироф этиш. Мазкур илмий принциплардан келиб чиқиб, ЖПКнинг 395-моддаси иккинчи қисмига жиноят процессининг ушбу босқичини жадаллаштиришни назарда тутувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида муаллифлик таклифлари ишлаб чиқилган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи “*Суд мажлисининг тайёрлов қисмини жадаллаштиришнинг асосий жиҳатлари*” деб номланиб, ушбу босқичда вужудга келадиган ва ривожланадиган процессуал муносабатлар – суд, суд мажлиси котибининг фаоллиги ҳамда сул муҳокамасига жалб қилинган шахсларнинг ва судланувчининг деярли иштирок этмаслиги асосида кечиш хусусиятига эга. Суд мажлисининг тайёрлов қисмида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг жиноят-процессуал муносабатлар жадаллигига таъсир кўрсатиш имкониятлари муаллиф томонидан икки гуруҳга ажратилган. *Биринчиси*, ишни суд мажлисига тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий-процессуал ҳаракатларни назарда тутиб, унга: а) суд мажлисининг шаклига риоя этишни тақозо этувчи ҳаракатлар; б) шахсларни ишнинг суд муҳокамасидаги иштирокини таъминловчи ҳаракатлар киритилган. *Иккинчи гуруҳ*, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш билан боғлиқ процессуал-функциявий ҳаракатлардан иборат бўлиб, у: а) суд муҳокамаси иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатловчи ҳаракатларни ва б) суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларнинг илтимосларини ҳал қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўз ичига олади.

ЖПКнинг 403 ва 418-моддасига асосланиб, муаллиф *ташкилий-процессуал* гуруҳга: а) жиноят ишига жалб қилинган шахсларни суд мажлисидаги иштирокларини таъминлаш; б) ишнинг ҳолатларини тўғри

аниқлаш учун муҳим бўлган янги далилларни талаб қилиб олиш масалаларини киритади. Шунингдек, амалиётда жиноят ишларининг муҳокамасини кейинга қолдириш асосан ҳимоячининг ва гувоҳларнинг суд мажлисига келмай қолганликлари, баъзан бундай ҳолатлар аниқ мақсадларни кўзлаб қилинаётганлиги (масалан, амнистия актининг қўлланишига эришиш) сабабли юз бераётганлиги туфайли, диссертацияда ЖПКнинг 412-моддасига ҳимоячининг суд мажлисига келмай қолганда бир маротаба ишни муҳокама қилишни беш кундан кўп бўлмаган муддатга кейинга қолдиришга, иккинчи бор ишнинг муҳокамасига келмай қолган ҳимоячини бошқаси билан алмаштириш қоидасини қўшимча киритиш таклиф этилган.

Жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш босқичидаги жадалликнинг *процессуал-функционалий* жиҳатлари тарафлар томонидан билдирилган илтимосларни кўриб чиқиш тартибини назарда тутаяди. Тадқиқотчи суд мажлисининг тайёрлов қисмида тарафлар томонидан билдирилган илтимосларни кўриб чиқиш тартиби жиноят процессининг тортишув принципига мос равишда такомиллаштирилиши лозим деган фикрни илгари суради, шу асосда у ЖПК 438-моддасига асосан суд фақат ишнинг ҳолатларини аниқлаш масаласи билан боғлиқ бўлмаган илтимосларни кўриб чиқишга ҳақли эканлиги; суд фақат муҳокама жараёнида тарафлар томонидан тақдим этилган далиллар ишни мазмунан ҳал қилиш учун етарли эмас деб ҳисоблаган ҳамда улар томонидан бошқа қўшимча далиллар тақдим этиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, ўзининг ташаббуси билан янги гувоҳларни чақириш, экспертиза тайинлаш, ҳужжатларни ва бошқа қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлигини назарда тутувчи қўшимчалар киритишни таклиф этади.

Диссертациянинг учинчи боби учинчи параграфи “*Суд терговини жараёнини жадаллаштириш*” деб номланиб, илмий изланишда таъкидланишича, суд терговини тарафларнинг фаол иштироки ҳамда суднинг процессуал раҳбарлигида далилларнинг қонуний ва асосли тўпланганлигини текшириш, уларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилигини аниқлаш орқали суднинг иш бўйича якуний қарорни қабул қилиш учун ҳуқуқий шароитни яратиш масалалари – суд терговини босқичининг предметиدير. Шу тушунчадан келиб чиқиб, диссертацияда суд терговини жадаллаштиришнинг муҳим йўналишларини шакллантиришга уринилган. Муаллифнинг фикрича, шу босқичдаги муносабатларни жадаллаштиришга суд терговини ташкил этувчи элементларини такомиллаштириш ҳамда ундаги ҳаракатларни амалга оширувчи фаолиятларга ташқи таъсир этадиган омиллар муҳим ўрин тутаяди. Ишда суд терговини жадаллаштириш механизмнинг қуйидаги уч йўналиши белгилаб берилаяди: *биринчиси*, суд терговининг дастлабки қисмида эълон қилинган айбловга судланувчининг муносабатини аниқлаш; *иккинчиси*, суд терговини жараёнининг узвийлигини таъминловчи ички механизмни такомиллаштириш; *учинчиси*, суд-тергов ҳаракатларини амалга оширувчи ва унинг жараёнига жалб қилинган шахсларнинг тезкорлигини таъминловчи ички механизмни ишга солиш.

Тадқиқотда эълон қилинган *айбловга судланувчининг муносабатини аниқлаш* суд терговининг дастлабки қисмида процессуал муносабатларни жадаллаштириш учун асос бўлиши мумкинлиги эътироф этилиб, бу масалада замонавий процессал тартиблар тўрт гуруҳга таснифланган. **Биринчи гуруҳга:** айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши айбловчи билан келишув битимини тузиш ва жиноят ишини тезлаштирилган тартибда юритиш (Грузия ЖПКнинг 209-218-мод. ва Молдова ЖПКнинг 504-509-мод.). **Иккинчи гуруҳ** ишнинг суд олди босқичида дастлабки эшитиш ёхуд жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичларида судланувчи томонидан ўз айбига иқдорлигини эълон қилиши – ишни тезлаштирилган шаклда юритиш тартибининг белгиланишига асос бўлади (РФ ЖПКнинг 236-мод. 4-б., Украина ЖПКнинг 381-382-мод.). **Учинчи гуруҳга** жиноят процессининг барча босқичларида айбланувчи (судланувчи) билдирган айбловга иқдорлик ҳамда унинг жабрланувчи билан ярашганлиги – жиноят ишининг тугатилиши билан яқун топишини назарда тутувчи қоидалар (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582-586-мод.). **Тўртинчи гуруҳ** суд терговиде эълон қилинган айблов хулосаси судланувчи томонидан қабул қилинса, ишни тезлаштирилган тартибда юритиш механизмнинг ишга тушиши билан боғлиқ норматив қоидаларни ўз ичига олади (Қозғоғистон ЖПКнинг 364-366-мод., Беларусь ЖПКнинг 324-326-мод.).

Ушбу таснифда келтирилган асосларга таяниб, диссертант мамлакатимиз қонунчилигида ҳам – эълон қилинган айблов хулосасига судланувчининг ижобий муносабати тезлаштирилган тартибда суд ишларини юритиш шаклига ўтишнинг бирламчи талаби сифатида эътироф этилиши лозим деган қарашни илгари суради, уларнинг илмий ва амалий асослари баён этилади.

Диссертация ишида *суд тергови жараёнининг узвийлигини таъминловчи механизмни такомиллаштиришни* назарда тутувчи муаммолар ҳам таҳлил этилиб, ЖПКга суд муҳокамасининг узвийлигини тартибга солувчи янги – 406¹-моддани жорий этиш, 418ва420¹-моддаларига ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинади. Ундан суд муҳокамасининг узвийлигини таъминловчи ишни қайта бошлаш шарт ва асосларини белгиловчи қоидалар ўрин олиши лозим.

Мазкур параграфда *суд ҳаракатларини амалга оширувчи ва жиноят-судлов юритуви жараёнига жалб қилинган шахслар фаолиятининг тезкорлигини таъминлаш* масаласи ҳам кўриб чиқилган. Диссертант суд тергови босқичида амалга ошириладиган ҳаракатларни бажарувчи шахсларнинг тезкор фаолиятини таъминлаш масаласи икки элементни ўз ичига олиши зарур: 1) тергов ва суд ҳаракатларининг объектига тааллуқли элементлар; 2) тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш субъектларига тааллуқли элементлар. Диссертацияда мазкур элементларнинг ўзига хос структуравий жиҳатлари кўриб чиқилиб, уларнинг ҳар бирига тааллуқли шарт ва асослар таҳлил қилинган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида тадқиқот ишида ЖПКнинг 358, 446-447 ва 478-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритишни, шунингдек янги 438¹-моддани жорий этишни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқилади.

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфи “*Тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охирги сўзи*” деб номланади. Тарафлар музокараси ва судланувчининг охирги сўзи суд терговининг якуни бўйича тарафларга судланувчининг айбли ёки айбсиз эканлиги тўғрисида хулоса билдириш имконини тақдим этувчи суд муҳокамасининг мустақил босқичидир. Диссертант назарий қарашлар таҳлилидан ушбу босқич билан боғлиқ уч хусусиятни аниқлайди: 1) у жиноят ишини барча босқичларда юритиш давомида аниқланган далилларни текшириш жараёнининг якунловчи босқичи ҳисобланади; 2) у жиноят иши бўйича тўпланган далилларни текшириш якуни бўйича тарафларга судланувчининг айбли ёки айбли эмаслиги тўғрисида ўзларининг умумлашган нуқтаи назарларини ифода этиш ҳуқуқини таъмин этади; 3) у суднинг қарор қабул қилиш учун маслаҳатхонага киришидан олдин тарафларнинг жиноят иши ҳолатлари бўйича нуқтаи назарларини аниқлаш учун муҳим босқич ҳисобланади.

Процессуал муносабатларни амалга ошириш нуқтаи назаридан диссертацияда ушбу босқичнинг уч этапдан иборат эканлиги таъкидланади, булар: а) тарафларнинг музокараси; б) тарафларнинг ўзаро нутқларида билдирилган масалалар юзасидан эътирозлар ва мулоҳазалар билдириш; в) судланувчининг охирги сўзи. Изланишда мазкур этапларнинг процессуал муносабатлар жадаллигига таъсири масаласи таҳлил қилиниб, уларни уч йўналишда кўриб чиқиш таклиф этилади. 1) жиноят ишида иштирок этаётган шахсларнинг доираси ва таркиби (бу масаланинг *амалий* жиҳатини акс эттиради); 2) музокарада иштирок этаётган шахсларнинг нутқларида, эътироз ва мулоҳазаларида, шунингдек судланувчининг охирги сўзида фойдаланадиган маълумотларнинг жиноят ишига тааллуқлилиги (бу масаланинг *интеллектуал* томонини намоён қилади); 3) ушбу босқичдаги ҳуқуқий муносабатларнинг давомийлиги, узвийлиги ва ҳажмига доир кўрсаткичларнинг қонунда тартибга солинганлиги (бу масаланинг *ҳуқуқий* жиҳатини ифода этади).

Мазкур параграфда тарафлар музокараси босқичининг жадаллигига таъсир кўрсатувчи *ҳуқуқий муносабатларнинг давомийлиги, узвийлиги ва ҳажмига доир* масалалар ҳам таҳлил қилинади. Таъкидланганидек, тарафлар музокараси жараёнининг давомийлиги тарафлар музокарасида иштирок этаётган шахсларнинг процессуал мақомига ҳамда жиноят ишининг хусусиятига бевосита боғлиқ. Муаллиф давлат айбловчисининг, ҳимоячининг ва тарафлар музокарасида иштирок этадиган бошқа шахсларнинг музокара нутқларини давомийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ЖПКнинг 449-моддасига тарафларнинг музокара нутқларида кўрсатилган масалалар юзасидан эътирозлар ва мулоҳазалар билдириш вақтини белгиловчи қонун киритишни таклиф этади. Ушбу ўзгартириш, тадқиқотчининг ўйлашича, *биринчидан*, тарафларнинг музокара нутқидан кейин билдирадиган эътироз ва мулоҳазалар учун тақдим этиладиган вақтни аниқлаштиради; *иккинчидан*, музокарадан сўнг тарафлар томонидан билдириладиган эътироз ва мулоҳазаларнинг предметини аниқлаштириб беради; *учинчидан*, суд мажлисига раислик қилувчининг аниқ

ҳолатга дахли бўлмаганлиги сабабли тарафларнинг эътирозлари ва мулоҳазаларини тўхтатиб қўйиш ваколатини вужудга келтиради.

Учинчи бобнинг “**Ҳукм чиқариш жараёнини жадаллаштиришнинг ўзига хос масалалари**” деб номланувчи бешинчи параграфида суд (судья) томонидан ҳукм чиқариш босқичининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу муҳим якуний процессуал жараёни жадаллаштириш йўналишлари кўриб чиқилган.

Диссертацияда ҳукм чиқариш тартибини белгиловчи қонун нормаларида ушбу ҳаракатни амалга оширишни жадаллаштириш билан боғлиқ қоидалар мавжуд эмаслиги таъкидланганиб, диссертант ушбу жараённинг баъзи босқичларидаги қоидаларни, хусусан а) тарафлар музокараси якунидан сўнг суднинг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириши, б) ҳукмни эълон қилиш, в) ҳукмнинг нусхасини бериш тартибларини жадаллаштириш имкониятларини кўриб чиқиш мумкин деган хулосага келади. Шу асосда ҳукм чиқариш босқичи жадаллаштиришга мойил бўлган икки қисмга ажратилади. 1) суд томонидан ҳукм чиқаришга қадар бўлган ҳаракатларни амалга ошириш, бунга “тарафлар музокараси якунидан сўнг суднинг ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага кириши”га оид. 2) суд томонидан ҳукмни чиқариш ваколатини бажаришдан сўнг амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар тартибига оид.

Тадқиқот ишида *тарафлар музокараси якунидан сўнг суднинг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириши* ҳукм чиқариш босқичи таркибига кирмасада, лекин унинг мазкур муносабатларни жадаллаштиришга таъсир кўрсатувчи омили мавжудлиги таъкидланиб, “тарафлар музокараси якунидан сўнг суднинг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киришдан аввал суд томонидан қабул қилинадиган қарорни эълон қилиш вақти ҳақида иштирокчиларни хабардор қилиш” ҳақидаги қоидалар зарур эканлиги асослантирилади ҳамда ЖПКнинг 453-моддасига иккинчи ва учинчи қисмларни киритиш таклиф этилган.

Тадқиқотда *ҳукмни эълон қилиш* –ҳукм чиқариш босқичига тааллуқли бошқа ҳаракатларни: а) суднинг алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириб кетиши; б) маслаҳатхонада ҳал қилинадиган масалаларнинг суд томонидан муҳокама қилиниши; в) ҳукмни тузиш ва имзолаш; г) судланувчини қамокдан озод этиш; д) ҳукмнинг нусхасини бериш ҳаракатлари билан ўзаро алоқага ҳамда умумий мақсадга эгаллиги асослантирилган. Тадқиқотчи ЖПКнинг 473-моддасига ушбу муносабатларни жадаллаштиришга йўналтирилган қўшимчалар киритиш таклифини илгари сурган.

Илмий ишда *ҳукмнинг нусхасини бериш* ҳаракатида ҳукм чиқариш босқичидаги муносабатларни жадал тарзда амалга ошириш имконияти мавжудлиги таъкидланиб, унинг нусхасини уч суткадан, айрим ишлар бўйича ўн суткадан кечиктирмай бериш қоидасини такомиллаштириш, диссертантга биноан тарафларнинг ҳукм устидан шикоят қилиш ҳуқуқларини жадаллаштириш учун қулай шароит яратади. Шу асосда тадқиқотда ЖПКнинг 475-моддасига тегишли қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилган.

Диссертация ишининг “**Жиноят ишларини юритишни дифференциациялаш – процессуал тартибни жадаллаштиришнинг муҳим асоси**” деб номланувчи тўртинчи бобида жиноят процесси тизимини дифференциациялашнинг концептуал йўналишлари белгиланиб, шу асосда дастлабки тергов босқичи тартибини жиноятларнинг ижтимоий хавфига қараб дифференциациялаш, шунингдек ахборот технологияларини қонунчиликка жорий этиш воситасида процессуал муносабатларни жадаллаштиришнинг асосий муаммолари кўриб чиқилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи биринчи қисми “**Жиноят процессуал тартибини дифференциациялашнинг асосий йўллари. Жиноят ишини судга қадар юритиш босқичи**” деб номланиб, унда жиноят процесси тизимини дифференциациялаш ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларнинг камчиқим, ихчам ва самарали шаклини ривожлантириш муаммосини ҳал қилишнинг самарали ечими сифатида тақдим этилади.

Илмий ишда бу борада кўплаб ривожланган мамлакатларнинг, шунингдек МДҲга аъзо давлатларнинг қонунчилик тажрибаларини ўрганиш асосида, судга қадар иш юритуви босқичини дифференциациялашнинг ҳуқуқий мезон ва омилларини аниқлашга уринилади. Муаллифнинг ёзишича, замонавий процессуал ҳуқуқ назариясида одил судлов соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни ихчамлаштириш-соддалаштириш йўналишида дифференциациялаш, бу вазифани эса тартибга солишдаги асосий – хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий услубларни мувозанатга келтириш орқали ҳал қилиш ўринлидир.

Тадқиқотчи қатор олимларнинг судга қадар иш юритуви босқичини такомиллаштириш борасидаги фикрлари билан қисман келишган ҳолда, мамлакатимиз қонунчилигида терговга қадар текширувни амалга оширувчи ва суриштирув органларини баённома шаклида ишларни юритиш ваколоти билан таъминлаш зарур деган тўхтамга келади. Унга кўра, судга қадар иш юритуви босқичини шундай йўналишда такомиллаштириш мазкур босқич муносабатларини анча ихчам ва соддалашган, демакки, тезлаштирилган тарзда юритиш имконини яратади.

Баённома шаклида – а) қайси тоифадаги ишлар юритилиши керак, б) унинг шакли ва тартиби қандай бўлиши зарур, в) ишларни юритиш тартибида мавжуд бўлган процессуал-ҳуқуқий кафолатларнинг ҳажмига доир муҳим масалаларни ҳал қилишда, муаллиф Россия Федерацияси, Украина, Озарбайжон, Қозоғистон ҳамда АҚШ, Франция ва Италия мамлакатларининг процессуал тажрибаларидан келиб чиқиб, ишларни баённома шаклида юритиш, унда: а) ишларни юритувчи идораларнинг, ишларнинг тегишлилик доирасини аниқ белгилаш; б) ишларни юритишнинг вужудга келиши, динамик ривожланиш ва яқунланиш тартибининг аниқлиги; в) ишларни суриштирувда юритиш муддатлари ва уни узайтириш; г) ишларни юритиш устидан прокурорлик назорати ва идоравий контролнинг ўзаро мутаносиб тартибини ўрнатиш; д) юритиладиган ишларини судда кўриб чиқиш, ҳал қилиш ва иккинчи инстанция судида ишларни кўриш тартиблари; е) юритилган ишлар

юзасидан қабул қилинган суд қарорларини ижро этиш тартибини белгилаш зарурлигини асослаган.

Изланишнинг тўртинчи боб биринчи параграфнинг иккинчи қисми **“Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув – судга қадар иш юритуви босқичини жадаллаштиришнинг замонавий услуги”** деб номланиб, унда жиноят-процессуал қонунида ўрнатилган асосий юритувга муқобил бўлган, судга қадар иш юритуви босқичида амалга ошириладиган процессуал муносабатларни жадаллаштиришни таъминловчи тартибларни жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилган.

Диссертацияда кўрсатилганидек, судга қадар иш юритуви босқичини жадаллаштиришнинг яна бир процессуал шакли – бу айбланувчи томонидан ўз айбига иқрорлик билдириши туфайли айбловчи ва айбланувчи ўртасида тузиладиган процессуал-ҳуқуқий келишув ҳисобланади. Мазкур процессуал институтнинг келиб чиқиш ва бугунги амалиётининг таҳлили асосида унинг мақсад ва вазифаларини аниқлашга уринилади.

Ишларни айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув асосида юритишнинг мазмунини аниқлашда диссертант қуйидаги методологик ёндошувга таяниш зарурлигини уқтиради, яъни жиноят-ҳуқуқий зиддиятнинг муқобил процессуал воситалар ёрдамида ҳал қилиш тарафларнинг ўзаро воз кечишларни, яъни давлат томонидан жиноий таъқибдан тўлиқ ёхуд қисман воз кечишни, айбланувчи томонидан эса муайян ижтимоий фойдали ҳаракатларни (масалан, жиноят оқибатида етказилган зиённи бартараф этиш, жиноятларни очишга, тайёрланаётган жиноятларнинг олдини олиш ва фош этишга кўмаклашиш) амалга оширишни назарда туттади. Ишларни кўрсатилган тартибда юритиш шакли жиноят процессининг анъанавий тартибига нисбатан ихчам ва соддалашган, энг муҳими, ишни тезликда ҳал қилишни назарда тутувчи тартибни англатади.

Мазкур масаланинг мазмун-моҳиятини очишда айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш тартибини қонунчилигига яқинда киритган МДҲга аъзо мамлакатлар – Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Грузия, Молдова, шунингдек Эстония, Латвия каби мамлакатларнинг ҳамда АҚШ, ГФР, Франция, Италия давлатларининг қонунчилик тажрибалари ўрганилади, тегишли илмий хулосалар шакллантирилади, мазкур юритувни мамлакатимиз қонунига киритиш моделининг концептуал тартиби таклиф этилган

Тўртинчи бобнинг **“Жиноят процессига ахборот технология воситаларини жорий этиш – ҳуқуқий муносабатларни жадаллаштиришнинг замонавий услуги сифатида”** деб номланган иккинчи параграфда жиноят процессини жадал кечиши ва яқунланишини таъминлашда замонавий ахборот воситаларининг ўрни ва функциявий жиҳатлари тадқиқ қилинади ҳамда янги технологик воситаларни судлов ишларини юритиш жараёнига жорий этишнинг муҳим йўналишларини белгилашга ҳаракат қилинган.

Диссертацияда айрим олимларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жиноят процессини тезлаштиришнинг муҳим

омили эканлиги тўғрисидаги фикрлари маъқулланган ҳамда бугунги суд амалиётида судьялар иш юкламасининг ҳажмини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш – ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг асосий ҳуқуқий воситаси сифатида эътироф этилади.

Жиноят процессига янги ахборот технологияларни жорий этиш масаласи унинг тушунчаси ва предметини аниқлаш ҳолатига бевосита боғлиқ. Диссертантнинг фикрича, турли технологик методлар воситасида олинadиган (тўпланadиган, жойлаштириладиган, сақланадиган, етказиладиган) ахборотлар суд муҳокамаси учун азалдан далилларнинг муҳим манбаи бўлиб келган.

Тадқиқот ишида жиноят процессини ахборотлаштиришга оид тушунча тўлиқ ўзининг яқунловчи мазмунига етиб бормаганлиги таъкидланади ҳамда айрим олимларнинг бу борадаги илмий ёндошувлари фақат тор бир йўналишни ёки жуда умумий мазмунини назарда тутувчи қарашлардан иборат эканлиги танқид қилиниб, унинг тушунчасини шакллантиришда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг жиноят процессидаги аҳамияти, у бажарадиган функциялар ҳамда ундан келадиган натижаларнинг хусусиятлари каби тушунчаларни эътиборга олиш кераклиги асослантирилади. Шу илмий қарашлар пойдеворида унинг қуйидаги тушунчаси ишлаб чиқилади: **жиноят процессидаги ахборот технологиялари** – бу жиноят-судлов юритувининг барча босқичларида ваколатли шахслар томонидан ўз процессуал фаолиятларини самарали амалга оширишларига, ишнинг кечиши ва яқунланишига тааллуқли асосли ва қонуний юридик қарорларнинг қабул қилинишига кўмак берувчи **умумий** – ҳуқуққа ва нормалар алгоритмига оид ҳамда **хусусий** – жиноят ишига тааллуқли **маълумотларнинг** муайян тизимга солинган дастурий ахборот манбалари тўпламидир.

Илмий изланишда ривожланган мамлакатларнинг, жумладан, АҚШ, Исроил, Жанубий Корея, Буюк Британиянинг судлов ишларини юритишда ахборот технологиялардан фойдаланишга оид амалий тажрибалари ўрганилиб, ахборот технологияларининг жиноят процессини жадаллаштиришдаги имкониятлари нақадар кенг қамров эканлиги эътироф этилади.

Тадқиқотчи томонидан мамлакатимиз жиноят-судлов ишларини юритишга ахборот технологияларини жорий этиш эҳтиёжининг икки йўналиши кўрсатилиб, улар – а) ташкилий-бошқарув ва б) судлов ишларини кўриб чиқиш эҳтиёжларини назарда тутди. Илмий ишда ушбу йўналишларнинг ҳар бирини шакллантиришнинг асос ва шартларига оид масалалар кўриб чиқилади ҳамда шу таҳлиллар асосида ЖПКнинг 27, 96, 122, 123, 127, 131, 270, 324, 326, 327, 377, 426, 437-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда қонунга янги 119¹-моддасини жорий қилиш ҳақида таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Хулоса

Жиноят ишларини юритиш муносабатларини жадаллаштиришнинг жиноят-процессуал асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича хулосалар қуйидаги уч қисмдан иборат тарзда баён қилинди:

I. Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича тавсиялар:

1. Жиноят-судлов юритувини жадаллаштириш тушунчасининг уч асосий жихати аниқланди: а) процессуал қонунчиликнинг жиноят иши юритувини тезлаштирилган тартибда юритиш имкониятларини ишга солишни англатади; б) жиноят ишини кўзғатишдан то ишни судда муҳокама қилиш учун тақдим этишгача бўлган муносабатларни соддалаштиришга оид процессуал механизмларни ишга солишда намоён бўлади; в) одил судловнинг самарадорлигини ошириш масаласи билан бевосита боғлиқ асосий йўналишлар – *ташкिलий, институционал, функционал ва субъектив асосларни* назарда тутлади.

2. Жиноят-судлов юритувида вужудга келадиган, амалга ошириладиган ва яқунланадиган муносабатларжадаллигини таъминлашнинг мақсади бўлган жиноят-судлов юритуви самарадорлиги тушунчасининг элементларига аниқлик киритилди: 1) жиноят содир этган шахснинг тақдирини қисқа муддатларда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш мумкин бўлган процессуал-судлов юритуви шаклини жорий этиш; 2) жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг қисқа муддатларда суд ҳузурида бўлишига эришиш; 3) унинг иши тезкорликда ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш бўйича самарали процессуал тартибга эга судлов юритувида ҳал этилишини таъминлаш.

3. Жиноят-судлов юритуви муносабатларини жадаллаштириш тушунчаси борасида ишлаб чиқилган замонавий илмий ёндошувлар таснифланиб, уларнинг икки умумий асосга эга эканлиги асослаб берилди: а) судлов юритувида мавжуд процессуал фаолиятларни такомиллаштириш (жиноят-судловида ишларни юритиш шаклини жадаллаштириш, тезлаштириш); б) судлов юритувининг самарадорлигини ошириш мақсадида процессуал муносабатларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш (самарали жиноят-процессуал тартибни ташкил қилиш).

4. Жиноят-процессуал муносабатларни жадаллаштириш муаммосининг илмий-назарий ечимлари икки муҳим йўналишга асосланганлиги кўрсатиб берилди: *биринчиси*, жиноят процесси тизимини ўзгартиришни, *иккинчиси*, жиноят процессидаги айрим институт ва тартибларни ислоҳ этишни назарда тутлади. Биринчи ҳолат муаммони жиноят-процессуал тизим яхлитлиги даражасида англаш билан боғлиқ бўлса (катта даража), иккинчиси, ушбу тизимга кирувчи элементларнинг ўзаро алоқаси билан боғлиқ хусусиятларни англашни (кичик даража) назарда тутлади.

5. Жиноят процессининг моҳиятини англашда тизимли ёндошув муҳим илмий аҳамиятга эга бўлиб, бу таълимот жиноят-судлов иш юритувининг ижтимоий-ҳуқуқий моҳиятини англаш ҳамда процессуал муносабатларни анъанавий жихатдан моделлаштириш хусусиятларини белгилашга хизмат қилади. Шу сабабдан “жиноят-судлов ишларини юритиш”га оид муаммоларни ҳал қилишнинг самарали жараёни ҳисобланиб, мамлакатимиздаги жиноят процессуал муносабатлар тизими икки муҳим элементлардан: “босқичлар” ва “судлов ишларини юритиш”дан ташкил топган. Худди шу элементлар ўзаро уйғун ҳолда, жиноят-процессуал муносабатларни жадаллаштириш муаммосини ҳал қилишнинг тизимли муносабатларини ифода этади.

6. Замонавий жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида принциплар тизимини ташкил қилиш масаласида икки умумий йўналиш шаклланган. Биринчи йўналишда жиноят процесси принциплари чегарасини қисқартириш ғояси ўрин олган. Бу ғоя тарафдорлари жиноят процессида фақат қонунийлик ва тортишув принципини сақлаб қолишни таклиф этадилар. Иккинчи йўналиш, аксинча жиноят процессини бошқа принциплар билан бойитиш орқали унинг тизимини кенгайтириш зарур деб ҳисоблайдилар. Иккинчи нуқтаи назарни қувватлаган ҳолда, мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунини **“Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари”** принципи билан тўлдириш таклиф этилган. Зеро, ушбу принцип нафақат жиноят-процессуал муносабатларни соддалаштиришга, яъни судлов ишларини юритишда иштирок этаётган айрим шахслар учун диспозитив ҳуқуқларнинг вужудга келишига ва кенгайтиришига сабаб бўлади, балки жиноят-процессуал муносабатлар тезкорлигини таъминлашга хизмат қилади.

7. Жиноят-процессуал муносабатларни жадаллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида мақсадга мувофиқ муддатлар принципини процессуалмуносабатларда ишлаши механизминини шакллантириш учун мақсадга мувофиқ муддатларнинг бешта асосий мезонлари ишлаб чиқилган.

II. Амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. Мақсадга мувофиқ муддатларнинг ишлаб чиқилган бешта асосий мезони асосида жиноят-процессуал қонунчилигидаги принциплар тизимига янги 22¹-моддада “Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари” принципини жорий этиш мақсадида ушбу моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди:

“22¹-модда: Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари

“Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари – жиноят ишининг барча ҳолатларини аниқлашни, жиноят содир этган шахснинг қилмишларини фош этишни, унинг айбини ҳам оғирлаштирувчи ва ҳам енгиллаштирувчи ҳамда оқловчи маълумотларни етарлича тўплашни ва самарали баҳолашни таъмин этувчи вақт тушунчасини ўз ичига олиб, ўз вақтида айблов юритувини бошлаш ва амалга ошириш, жазо белгилаш ёки айбловни тугатиш, суд қарорини ижро этиш мақсадида мазкур Кодексда белгиланган суд-тергов фаолиятини, шунингдек жиноят процессига жалб қилинган шахсларнинг ҳаракатларини турли босқичларда амалга ошириш муддатларини назарда тутади. Процессуал муддатлар ушбу Кодексда ўрнатилган асос ва шартларда узайтирилиши мумкин.

Мақсадга мувофиқ муддатлар жиноят-судлов ишларини адолатли тартибда юритилишини кафолатлайди. Жиноят ишида иштирок этаётган шахслар ишнинг дастлабки терговда юритиш ёхуд иш кўриляётган суднинг раисига ёзма равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалар. Бундай мурожаат

суриштирув, дастлабки тергов устидан назорат олиб бораётган прокурор, ишни кўриб чиқаётган суд ёки суд муҳокамасининг узоқ вақт давом этаётганлиги тўғрисида шикоятни кўриб чиқаётган суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткадан кечиктирмасдан ҳал этилиши зарур. Шикоятга асосан прокурор, суд ёки иш кўрилаётган суднинг раиси ишнинг ҳолатларидан, исбот қилишининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Кодексда белгиланган муддатларни мақсадга мувофиқлик асосида қисқартиришлари мумкин. Алоҳида ҳолларда муддатларни қисқартириши прокурорнинг ёки суднинг ташаббуси билан ҳам амалга оширилишига йўл қўйилади.

Ҳар бир шахс ишларни юритиши учун белгиланган процессуал муддатларга риоя этилмаслиги туфайли ўзига етказилган мулкий зиённи ундириши ва маънавий зарарнинг оқибатларини бартараф этиши масаласида судга мурожаат қилиши ҳуқуқига эга”.

2.Ишда ЖПКда ишларни юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатларга оид нормаларнинг жорий этилиши жиноят ишларини юритиш муддатларини белгилашга ваколатли шахсларга муддатларни қисқартириш имкониятининг тақдим этилишини тақозо этишини эътиборга олиб, ЖПКга “Прокурор ва суд томонидан жиноят ишларини юритиш муддатларини қисқартириш”ни тартибга солувчи қуйидаги таҳрирдаги янги 351¹-моддани киритиш зарурлиги асослаб берилди:

351¹-модда. Прокурор ва суд томонидан жиноят ишларини юритиш муддатларини қисқартириш

Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари ҳақидаги қоидалардан ҳамда ишдаги ҳолатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, прокурор ва суд қонунда ишни шу босқичда юритиши учун белгиланган муддатдан қисқароқ муддатни белгилаши мумкин. Ишни юритиш муддатини қисқартириши манфаатдор шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиши натижасида ёки прокурор ва суднинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин.

Ишни юритишига оид прокурор ва суд томонидан ўрнатилган ҳар қандай муддатлар қонунда ишни шу босқичда юритиши учун ўрнатилган муддатдан кўп бўлишига йўл қўйилмайди. Белгиланган муддат ишни юритиши учун зарур бўлган процессуал ҳаракатларни ёки процессуал қарорни қабул қилиши учун етарли бўлиши ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келмаслиги лозим.

Прокурор ва суд томонидан ўрнатилган муддат етарли асослар мавжуд бўлганда ишни юритиши учун қонунда ўрнатилган муддатдан ошмайдиган муддатга узайтирилиши мумкин.

Ишни юритиш муддатларини қисқартириши ёки узайтириши жиноят ишига айбланувчи тариқасида жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси муддатини назарда тутмайди.

Суд шахсга нисбатан қамоққа олиши ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал қилишда бир вақтнинг ўзида ишни дастлабки терговда юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатини белгилаши мумкин.

Бундай ҳолатда қамоққа олиш эҳтиёт чорасининг муддати ишининг қисқартирилган (кейинчалик узайтирилган) вақт ичида ҳал этилиши муддатига тенг бўлади.

3. Жиноят-процессуал қонунига мақсадга мувофиқ муддатлар билан боғлиқ жорий этиш таклиф этилаётган юқоридаги кўшимчалар асосида унинг бошқа нормаларида белгиланган қоидаларни ҳам “Жиноят ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари” принципи ғоясига мос равишда такомиллаштириш зарурлигини эътиборга олиб, ЖПКнинг 29-моддасининг биринчи қисмидаги матнни қуйидагича мазмунда баён қилиш зарур эканлиги асослантилди: *“Процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташиқлотларнинг вакиллари ушбу Кодексда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ёки қарориустидан, шунингдек ишни мақсадга мувофиқ муддатда юритиш тўғрисида шикоят беришга ҳақлидир”*. Бу, авваламбор, амалиётда мавжуд бўлган – ишни юритишда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатсизлиги, яъни иш бўйича ўтказилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатларни ўз вақтида ёхуд тезкорликда амалга оширилмаслиги каби ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

4. Даствлабки тергов муддатларини жадаллаштириш механизми ЖПКнинг 351-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали такомиллаштирилиши мумкин. Бу, *биринчидан*, даствлабки терговда ишларни юритишнинг асосий муддатини икки ой қилиб белгилаш; *иккинчидан*, қўшимча муддатларни – уч ой, беш ой, алоҳида ҳолларда етти ойдан ошмайдиган муддатга узайтириш тартибини белгилаш; *учинчидан*, даствлабки тергов муддатларини узайтириш ваколатига эга шахсларнинг дифференциациясида: а) даствлабки тергов устидан назорат олиб борувчи прокурорга ўрин бериш; б) муддатни узайтиришга оид процессуал муносабатнинг кейинги босқичида – вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорлар ваколатини ўрнатиш, в) алоҳида ҳолларда эса даствлабки тергов муддатини етти ойга узайтиришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарларининг ваколатини эътироф этиш; *тўртинчидан*, даствлабки тергов муддатларини узайтириш ваколатини амалга оширишда қонунда белгиланган муддатлар доирасида мақсадга мувофиқ муддатларни белгилаш қоидасини жорий қилиш йўли билан амалга оширилиши лозим.

5. Ушлаб туриш муддатини қисқартириш борасида билдирилган таклифлар ЖПКнинг 243-моддасидаги қоидаларни ҳам такомиллаштиришни тақозо этишини ҳисобга олиб, унинг тўртинчи қисми иккинчи хатбошисига қуйидаги таҳрирдаги ўзгартиришни киритиш зарурлиги асослантилди: *“...Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида **саккиз соат** олдин судга тақдим қилиниши*

керак”. Ушбу таклиф ушлаб туриш муддатининг қисқариши туфайли қарор ва материалларни судга тақдим этиш муддатининг қисқариши мантиқий эканлигига асосланади. Шу билан бирга, юқорида қайд этилган модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган муддатни ҳам саккиз соатгача қисқартириб, унинг қуйидаги матни тавсия этилди: “...Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида материаллар келиб тушган пайдан эътиборан **саккиз соат** ичида, лекин ушлаб туришининг энг кўп муддатидан кечиктирмай кўриб чиқилади”.

6. Дастлабки тергов босқичида қамоқда сақлаб туришнинг асосий ва қўшимча муддатлари билан боғлиқ жиноят-процессуал муносабатларни жадаллаштириш зарурияти мавжудлиги асосланганди, ЖПК 245-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларига тегишли ўзгартиришлар киритиш тавсия этилади. Ишда ушбу масаланинг марказидан мақсадга мувофиқлик принципининг талаблари ўрин эгаллаши лозимлиги таъкидланган ҳолда, норма қисмларининг қуйидаги матни ишлаб чиқилди: “*Жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш ёки уй қамоғи муддати кўпи билан **икки ойни** ташкил қилади*”.

Қамоқда сақлаб туриш ёки уй қамоғининг қонун нормаларида белгиланган икки ойлик муддати суд томонидан:

*туман, шаҳар ва унга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига биноан суд томонидан мақсадга мувофиқ муддатга, аммо **уч ойдан** ортиқ бўлмаган муддатга;*

*вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тақдим этилган илтимосномага мувофиқ суд томонидан мақсадга мувофиқ муддатга, аммо **беш ойдан** ортиқ бўлмаган муддатга;*

*алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда, оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан қамоқда сақлаб туриш муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарлари илтимосномасига биноан мақсадга мувофиқ муддатга, лекин **етти ойдан** ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин...*”

7. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида ҳал қилинадиган масалаларнинг юқорида қайд этилган хусусиятларидан келиб чиқиб, унда вужудга келадиган ва ривожланадиган муносабатлар, ҳам *жиноий-ҳуқуқий* (жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси; жазонинг меъёрий ҳажми) ҳам *процессуал-ҳуқуқий* (иш бўйича аниқланадиган фактик ҳолатларнинг мураккаблиги; ишнинг ҳажми; жиноят ишини тезкорлик билан кўриб чиқиш имкониятларининг мавжудлиги) мезонларни эътиборга олган ҳолда тартибга солиниши зарур. Шундан келиб чиқиб, ЖПКнинг 395-моддаси иккинчи қисмига ишни судда кўриш учун тайинлаш жараёнининг муддатларини аниқлаштирувчи ва мақсадга мувофиқ муддатларни белгиловчи қоидаларни киритиш зарурияти асосланганди.

8. Мамлакатимиз процессуал қонунчилигида айбловчининг айбловдан воз кечиши туфайли юзага келадиган процессуал оқибатлар аниқ ифодасини

топмаганлиги таъкидланиб, ушбу ҳолат амалиётни тўғри шаклланишига тўсиқ бўлиб келаётганлиги ва зудлик билан уни тўғрилаш зарурлиги асослангандир. Хусусан, ЖПКнинг 409-моддаси тўртинчи қисмини қуйидагитахрирда баён қилиш таклиф этилган:

“Прокурор суд муҳокамасида қонун талабларига ҳамда ўзининг ички ишончига амал қилади, бунда у суд муҳокамасида текширилган далилларга асосланиши лозим. Дастлабки терговда айбланувчига билдирилган айблов суд муҳокамасида ўз исботини топмаган тақдирда, прокурор айбловдан воз кечиши керак. Айбловдан воз кечишга асос бўлган ҳолатлар тўғрисида прокурор судга ўз нуқтаи назарини ёзма равишда баён қилиб бериши лозим. Айбловдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш тўғрисидаги прокурорнинг баёни суднинг иш бўйича якуний қарор қабул қилиш учун маслаҳатхонага кириб кетгунига қадар амалга оширилиши мумкин. Суд мазкур Кодекснинг 421-моддаси 2-қисмида белгиланган қоидага мувофиқ, айбловчининг айбловдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш тўғрисидаги баёни асосида жиноят ишини тўлиқ ёки уни қисман тугатиши лозим”.

9. Юқорида қайд этилган модда қисмининг янги тахрири ЖПКнинг 421-моддасига қўшимча равишда 2, 3, 4 ва 5-қисмларни киритишни талаб қилади:

“Суд муҳокамасида прокурор мазкур Кодекснинг 409-моддаси 4-қисмида белгиланган тартибда айбловдан воз кечган тақдирда, суд жиноят ишини тугатиши ҳақида ажрим чиқаради.

Суд тарафлар илтимосига биноан ҳам жиноят ишини тугатишига ҳақли.

Прокурорнинг айбловдан воз кечиши туфайли жиноят ишини тугатиши тўғрисидаги суднинг ажрими фақат мазкур айблов юзасидан янги ҳолатлар аниқланиши сабабли қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Прокурорнинг айбловдан воз кечиши туфайли жиноят ишининг тугатилиши, мазкур ҳолатлар юзасидан фуқаролик-судлов тартибида судга даъво қилиш ҳуқуқини чекламайди”.

10. Диссертацияда ахборот технологияларининг жиноят процессида тутадиган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги қарашлар таҳлили асосида, унинг тушунчаси ишлаб чиқилган. **“Жиноят процессидаги ахборот технологиялари(IP) – бу жиноят-судлов юритувининг барча босқичларида жиноят ишини юритишга масъул бўлган ваколатли шахслар томонидан ўз процессуал фаолиятларини самарали амалга оширишларига, ишининг кечиши ва якунланишига тааллуқли асосли ва қонуний юридик қарорларнинг қабул қилинишига кўмак берувчи умумий – ҳуқуққа ва нормалар алгоритмига оид ҳамда хусусий – жиноят ишига тааллуқли маълумотларнинг муайян тизимга солинган дастурий ахборот манбалари мажмуидир”.**

11. Жиноят-судлов юритуви амалиётига ахборот технологияларини (IP) жорий этган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида, унинг жиноят процессида фойдаланишнинг уч муҳим йўналиши белгиланган:

Биринчиси, жиноят ишларини юритишга доир ҳужжатлар айланмасини тартибга солиш билан боғлиқ ЖПКнинг 35-моддасига асосан суд фаолиятида мавжуд автоматлаштирилган тизим: а) жиноят ишларини судьялар ўртасида

объектив, холисвабирмаромдатақсимланишини; б) судда иштирок этадиган халқ маслаҳатчиларнинг рўйхатини холистузишни; в) белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга судда кўриб чиқиладиган иш тўғрисида маълумот беришни; г) марказлаштирилган ҳолда ҳукм, ажрим ва бошқа ҳужжатларни сақлашни; д) суд фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тайёрлашни; е) судга келиб тушган ҳужжат ва мурожаатларни рўйхатга олишни; ж) иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари ва ижро ҳужжатларини тақдим этишни; з) суд фаолиятининг электрон архивини шакллантиришни таъминлайди.

Иккинчиси, ахборот технология (IP) воситалари қамоққа олинган гумон қилинувчининг, айбланувчининг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш имконини беради.

Учинчиси, жинойт ишини суриштирувда, терговда ёки суд муҳокамасида юритишда айрим процессуал ҳаракатларни ташкил қилиш, амалга ошириш ва қайд этиш жараёнида техник воситаси сифатида фойдаланишда намоён бўлади.

12. Замонавий ахборот технологияларининг (IP) жинойт процессидаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, қуйидаги процессуал йўналишларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган ҳолда уларни тартибга солувчи нормаларнинг лойиҳалари шакллантирилган:

- ЖПКнинг 27-моддаси учинчи қисмига: *“Процесснинг исталган пайтида илтимоснома билдириш ва шикоят бериш мумкин. Улар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда юборилиши мумкин”*¹.

- ЖПКнинг 96-моддасига: *“Баширти жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларни суд муҳокамаси юритилаётган жойда сўроқ қилиш уларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки учун хавф тугдирадиган бўлса, ушбу шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни видеоконференция орқали сўроқ қилишга рухсат берилади”*;

- ЖПКга “Гувоҳ ва жабрланувчининг видеоконференция шаклидаги кўрсатувлари” деб номланувчи янги 119¹-моддасини киритиш, унда: *“Баширти жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга нисбатан уларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилишга йўналтирилган чоралар қўлланилган тақдирда ёхуд улар узоқ сафарга кетганликлари учун суд муҳокамаси жойида ҳозир бўлишларини таъминлаш имконсиз бўлганда, улар суд муҳокамасида видеоконференция воситаси орқали сўроқ қилинадилар. Бунда жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа шахс (судланувчи, айбланувчи агар унга нисбатан жинойт иши алоҳида иш юритувига ажратилган бўлса) ёлгон кўрсатув берганлик ёки кўрсатув беришдан бош торганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида виртуал тарзда огоҳлантириладилар. Бу ҳақда жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа шахслар электрон имзодан фойдаланишлари мумкин. Сўроқ мазкур Кодекснинг 119-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади”*;

¹Шубҳасиз, электрон ресурсда юборилган ариза ва илтимосномани рўйхатга олиш улар ҳақида хабар бериш тартиби шакллантирилган ва унга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши зарур.

• ЖПКнинг 122-моддаси иккинчи қисмига: “агар жабрланувчи ва гувоҳга нисбатануларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилишни таъминловчи чоралар қўлланилган ёхуд узоқ сафарга кетганликлари сабабли юзлаштириш вақтида иштирок эта олмасалар, юзлаштириш вақтида жабрланувчи ва гувоҳвидеоконференция орқали сўроқ қилинадилар”;

• ЖПКнинг 123-моддаси иккинчи қисмига: хат бошидаги “Юзлаштириб сўроқ қилиш” жумласидан кейин, “шунингдек видеоконференция орқали юзлаштириб сўроқ қилиш”;

• ЖПКнинг 127-моддаси тўртинчи қисмини қуйидагича баён қилиш: “шахсни таниб олиш учун кўрсатишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида таниб олиш видеокамера орқали амалга оширилади. Бунда таниб олувчи ва таниб олинувчи алоҳида-алоҳида хоналарда жойлашадилар. Видеокамера таниб олинувчининг хонасига ўрнатилиб, ундаги тасвирлар таниб олувчининг хонасига узатилади. Агар таниб олишда таржимоннинг иштироки зарур бўлса, у ҳам виртуал тарзда иштирок этиши мумкин. Таниб олишнинг натижалари ва унда иштирок этган шахслар баённомада қайд этилади, унга таниб олиш жараёни тасвирга олинган видеотасвир илова қилинади”.

Ушбу модданинг бешинчи қисмининг хат бошига: “Шахсни таниб олиш учун кўрсатишнинг иложи бўлмаганда таниб олишда фотосуратдан фойдаланилиши мумкин” жумласини киритиш;

• ЖПКнинг 131-моддаси учинчи қисми хат бошига: “таниб олиш видеотасвир орқали амалга оширилган бўлса, баённомага видеотасвир илова қилинади. Агар таниб олиш учун...” каби қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

• Айнан шу мазмундаги қўшимча ЖПКнинг 270-моддаси биринчи қисмига ҳам киритилиши лозим;

• ЖПКнинг 324-моддаси биринчи қисмига: “шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма, оғзаки ёки **электрон шаклда** бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. **Электрон шаклдаги ариза электрон имзо билан тасдиқланиши¹ зарур**”;

• ЖПКнинг 326-моддасига: “...хабарлар” сўзидан кейин, “хизмат хати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма, радиogramма ёки **электрон мурожаат шаклида** бўлиши лозим. Хабар юборувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни, **шунингдек уларни электрон шаклда** илова қилиб юбориши мумкин”;

• ЖПКнинг 327-моддаси биринчи қисмига: “...лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар...” жумласидан кейин, “**ҳамда ижтимоий тармоқларда намоиш этилган тасвирлар² жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади**”;

¹Бу тартиб фақат электрон имзонинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга жорий этилиши асосида жорий этилиши мумкин.

²Мазкур тасвирлар қайси ҳудудда жиноят содир этилганлиги тўғрисида маълумот берса, ўша ҳудуднинг юритувига тегишли бўлиши ва хабар сифатида рўйхатга қўйилиши лозим.

- ЖПКнинг 377-моддаси иккинчи қисмига: “...уч сутка ичида аризага хабар беради” жумласидан кейин, “агар илтимоснома электрон шаклда рўйхатга олинган бўлса, қарор нусхаси электрон шаклда юборилиши мумкин”;

- ЖПКнинг 426-моддаси олтинчи қисмига: “...суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилиш овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш воситаларида” жумласидан сўнг, “шунингдек суд муҳокамаси вақтида амалга оширилган **видеоконференция ёзувларида** акс эттирилиши мумкин”;

- ЖПКнинг 437-моддаси иккинчи қисмидаги “тараф арз қилган ҳар бир илтимосни” жумласидан сўнг: “шунингдек агар қайд этилган мазмундаги илтимослар суд мажлисига тайёргарлик кўриш босқичидан олдин ёки уни амалга ошириш жараёнида электрон шаклда келган бўлса, суд тарафларга уларнинг мазмунини эълон қилади ва илтимосни муҳокама қилиб,” матнини қўшимча киритиш, унинг қолган қисмини ўзгартиришсиз қолдириш мақсадга мувофиқ.

III. Суд-тергов амалиётини такомиллаштиришга оид илмий мулоҳаза ва тавсиялар:

1. Айблов хулосасига айбланувчининг ёхуд судланувчининг муносабатига боғлиқ масалани кўриб чиқишда МДХга аъзо мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. МДХга аъзо мамлакатларда бу масалада ўрнатилган тартибни шартли тўрт гуруҳга ажратиш ўринлидир: **Биринчи гуруҳга:** айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши айбловчи билан келишув битимини тузиш ва жиноят ишини тезлаштирилган тартибда юритиш (Грузия ЖПКнинг 209-218-мод. ва Молдова ЖПКнинг 504-509-мод.). **Иккинчи гуруҳ** ишнинг суд олди босқичида дастлабки эшитиш ёхуд жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичларида судланувчи томонидан ўз айбига иқдорлигини эълон қилиши – ишни тезлаштирилган шаклда юритиш тартибининг белгиланишига асос бўлади (РФ ЖПКнинг 236-мод. 4-б., Украина ЖПКнинг 381-382-мод.). **Учинчи гуруҳга** жиноят процессининг барча босқичларида айбланувчи (судланувчи) билдирган айбловга иқдорлик ҳамда унинг жабрланувчи билан ярашганлиги – жиноят ишининг тугатилиши билан яқун топишини назарда тутувчи қоидалар (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582-586-мод.). **Тўртинчи гуруҳ** суд терговидеа эълон қилинган айблов хулосаси судланувчи томонидан қабул қилинса, ишни тезлаштирилган тартибда юритиш механизмнинг ишга тушиши билан боғлиқ норматив қоидаларни ўз ичига олади (Қозғистон ЖПКнинг 364-366-мод., Беларусь ЖПКнинг 324-326-мод.).

2. Жиноят-процессуал муносабатларни жадаллаштириш масаласининг бугунги кундаги муҳим йўналишларидан бири – жиноят-судлов юритувига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш билан боғлиқ. Судлов иш юритувига замонавий ахборот технологияларини кенг равишда жорий этишда қуйидаги ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатларни таъминлаш муҳим: 1) янги

компьютер-ахборот технологияларидан барча фуқароларнинг фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; 2) кўпчилик фуқароларнинг янги технологиялардан фойдаланиш борасидаги билимларини ривожлантириш; 3) виртуал технологияларга анъанавий бўлган ёзма-қоғоз шаклидаги ҳужжатларга каби ишонишларига эришиш; 4) суд ҳужжатларининг расмий ва электрон версияларини такрор тайёрлашни бартараф этиш.

3. Суд терговининг тезкорлиги мазкур босқичда амалга ошириладиган ҳаракатларнинг ҳажми, доираси, унда фойдаланиладиган усуллар ҳамда жалб қилинадиган воситаларга боғлиқ. Суд тергови босқичида суд ҳаракатларини амалга оширувчи шахслар ва жинойт-судлов юритуви жараёнига жалб қилинган бошқа иштирокчиларнинг тезкор фаолиятини таъминлаш процессуал муносабатлар нуқтаи назаридан икки элементни ўз ичига олади: а) тергов ва суд ҳаракатларини ўтказиш билан боғлиқ элементлар; б) тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш субъектларига боғлиқ элементлар.

Биринчи элемент тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширишнинг тартибига оид хусусиятларни ҳамда уларнинг сифати ва миқдори каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Иккинчи элемент эса: 1) тергов ва суд ҳаракатларини ташкил қилиш ва амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида улар: а) тергов ва суд ҳаракатлари ўтказиладиган вақтга унда иштирок этадиган шахсларни (айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис ва бошқаларни) келишларини таъминлаш чораларини кўриш; б) тергов ва суд ҳаракатларини узлуксиз ва бир маромда ўтказиш ва унинг кечишининг назорат қилиш; в) амалга оширилган тергов ва суд ҳаракатларининг натижаларини тўғри қайд этиш; г) унинг натижалари юзасидан билдирилган илтимос ва эътирозларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш самарадорлигига оид тушунчаларни ўз ичига олади. 2) тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи шахсларнинг субъектив хусусиятларига боғлиқ. Уларни умумий ҳолда уч қисмга бўлиш мақсадга мувофиқдир: а) тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширувчи субъектларнинг билим ва малакасини назарда тутувчи мезонлар, бунга – тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширувчи шахсларнинг касб маҳорати, билими ва тажрибаси; б) тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширувчи субъектларнинг ихтиёрини назарда тутувчи мезонлар, бунга – амалга оширилган ҳаракатнинг натижаси муҳокама иштирокчиларини қаноатлантириши ёки қаноатлантирмаслиги, шу асосларда суддан қўшимча ёки бошқа ҳаракатни амалга оширишни илтимос қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш; в) тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширувчи субъектларнинг муносабатини тутувчи мезонлар, бунга – тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширишдан манфаатдорлик даражаси; г) тергов ва суд ҳаракатининг процессуал мақоми ва аҳамиятини назарда тутувчи мезонлар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc30.08.2018.Yu.74.01 ПО ПРИСВОЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ХАЙРИЕВ НОДИРЖОН ИСРОИЛОВИЧ

ИНТЕНСИФИКАЦИЯ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА

12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика,
оперативно-розыскное право и судебная экспертиза

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора юридических наук (DSc)

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.DSc/Yu21.

Диссертация выполнена в Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме) (www.ziyonet.uz)) информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Официальные оппоненты:

Пулатов Юрий Сайфиевич

доктор юридических наук, профессор

Мухитдинов Фахриддин Мухиддинович

доктор юридических наук, доцент

Астанов Истам Рустамович

доктор юридических наук, профессор

Ведущая организация:

Каракалпакский государственный

Университет имени Бердаха

Защита диссертации состоится _____ 2019 года в __ часов на заседании научного совета DSc30.08.2018.Yu.74.01 при Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан (адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиотинский район поселок Чорсу. Тел:230-32-78./факс: _____, e-mail:)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан (зарегистрирована за № ____). (адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиотинский район, поселок Чорсу. Тел:230-32-78).

Автореферат диссертации разослан _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № __ 2019 года).

М.Х.Рустамбаев

Председатель Научного совета по присвоению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

М.М.Нурматов

Учёный секретарь Научного совета по присвоению учёных степеней, д.ю.н, доцент

М.Б.Усмонов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присвоению учёных степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире усиливаются тенденции интенсификации уголовного судопроизводства, обеспечения оперативности производства следственных действий, внедрения механизмов рассмотрения уголовных дел в рациональные сроки. Согласно данным, проведение следственных и оперативно розыскных действий с учетом внедрения в уголовное судопроизводство современных информационно-коммуникационных технологий дает возможность сократить сроки рассмотрения уголовного дела в суде в среднем в 1,5–2 раза. Анализ порядка производства по уголовным делам показывает, что требуется интенсификация данной сферы, в частности, широкое внедрение высоких технологий (hi-tech), применение упрощенных систем и механизмов.

Внедрение упрощенного порядка уголовного судопроизводства в мире, оптимизация производства по уголовным делам путем дифференциации, установление рациональных сроков ведения уголовных дел, необходимость внедрения в уголовное и судебное делопроизводство современных информационно-коммуникационных технологий обуславливают необходимость проведения научно-исследовательских работ в данном направлении. Особое значение имеет научно-теоретическое и практическое решение процессуальных проблем, встречающихся в национальном законодательстве и правоприменительной практике по установлению процессуальных основ интенсификации уголовного судопроизводства, формированию компактного, упрощенного и эффективного судопроизводства для обеспечения справедливости к лицам, привлеченным к участию в уголовном деле в качестве обвиняемого, обеспечению оперативности уголовного судопроизводства в рациональные сроки.

В республике проводятся широкомасштабные реформы в целях надежного гарантирования прав и свобод человека в уголовном процессе, быстрого и качественного раскрытия и расследования преступлений, изобличения всех виновных и обеспечения неотвратимости наказания. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годы, реализуются системные меры по внедрению современных информационно-коммуникационных технологий в деятельность судов; обеспечению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан в деятельности судебных, правоохранительных и контролирующих органов; повышению эффективности и качества осуществления правосудия; совершенствованию порядка рассмотрения дел в суде, внедрению современных форм и методов электронного судопроизводства и исполнительного производства⁸. Это, в свою очередь, обуславливает необходимость интенсификации уголовного

⁸Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» УП-4947// Сборник законодательных актов Республики Узбекистан, 2017 г., №6, 70-статья.

судопроизводства, имплементации в национальное законодательство положительных аспектов международных правовых актов, законодательства развитых зарубежных стран, направленных на сокращение сроков реализации некоторых процессуальных действий, рассмотрение и решение уголовных дел в рациональные сроки путем внедрения современных информационно-коммуникационных технологий в уголовное делопроизводство. Одной из актуальных задач современности является сокращение сроков уголовного делопроизводства путем внедрения дифференцированной системы уголовного делопроизводства в досудебной и судебной стадиях.

